2023-YIL – INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 16-mart, chorshanba | № 11 (9227)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ПЕНСИЯ ОЛУВЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пенсия олувчиларнинг ҳаёт фаолияти ва турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг шаҳар йўловчи ташиш транспортидан фойдаланишида қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб Тошкент метрополитенининг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида **пенсия олувчиларга бепул хизмат кўрсатилади.**

Бунда, Тошкент метрополитенининг мазкур бандда кўрсатилган хизматларни кўрсатиш эвазига олинмай қолган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 15 март

*Президент топшириғи амалда*

## СУРХОНДАРЁДА 20 МИНГ ГЕКТАР ЯНГИ ЕР ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

***Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 13 март куни Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида воҳа адирликларидан янги ерлар ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш юзасидан ҳам қатор вазифаларни белгилаб берди.***

Вилоятда мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш учун Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларидаги адирликлардан 20 гектар ерни ўзлаштиришга киришилди. Янги лойиҳа доирасида "Помир Сурхон Агро кластер" масъулияти чекланган жамияти Қумқўрғон туманидаги "Сайхон" массивида 12,5 минг гектар, Жарқўрғон туманидаги "Оқтепа" массивида 7,5 минг гектар ерни ўзлаштириб, фойдаланишга киритади. Экинларни оби-ҳаёт билан кафолатли таъминлаш учун ўзлаштирилаётган майдонларга яқин Жарқўрғон туманидаги "Оқтепа" сув омборидан қувур орқали сув етказиб берилади.

Вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов янги ўзлаштирилаётган экин майдонларида бўлиб, "Помир Сурхон Агро кластер" масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳаси билан танишди. Масъул мутахассислар иштирокида янги ерларни ўзлаштириш, фойдаланишга киритиш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган ишларни муҳокама қилди.

Лойиҳа ташаббускорлари сув тақчил бўлган адирликни ўзлаштириб, атрофига манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экишни мўлжалламоқда. Шу ернинг иқлимига мос полиз маҳсулотлари, ерёнғоқ, картошка каби экинларни етиштириб, мўл ҳосил олишни режалаштираётир. Бунинг учун дастлаб адирлик текисланиб, экин экишга тайёрланади. Ерларни бир маромда сув билан таъминлаш йўлга қўйилиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади.

Мутахассисларнинг фикрича, вилоятда фойдаланишга киритилаётган янги ер майдонлари ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлаш, воҳада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўламини кенгайтириб, экспорт ҳажмини оширишга кўмаклашади.

Вилоят раҳбари лойиҳани янада такомиллаштириб, ишларни тезроқ бошлаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсияларини билдирди.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ*

## "БЕТОН-САНОАТ" КОРХОНАСИ МАЛИКАСИ



**"Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳибаси Ҳилола Обидованинг Гулистон шаҳридаги "Бетон-саноат" МЧЖ бош директори ўринбосари лавозимида фаолият кўрсата бошлаганига эндигина тўрт йил бўлди. Тошкентдаги иқтисодиёт олийгоҳини бундан беш йил олдин тугатган, ўз мақсадини олдиндан қатъий белгилаб олган ёш тадбиркор ўзининг эришган муваффақиятлари билан нафақат Сирдарё вилоятида, балки республикамизда ҳам танилган. У фаолият олиб бораётган корхона темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, шунингдек, йирик қурилиш объектларини лойиҳалаштиришга ихтисослашган бўлиб, айни пайтда 80 дан зиёд замонавий техникаларга эга.**

– Янги Ўзбекистон янада равнақ топаётган даврда халқимизнинг кайфияти менга жудаям кўтаринки руҳ беради, – дейди у. – Ҳозирги кунда қатор субсидиялар берияпти. Уй-жойлар қурилиши билан ҳам шуғулланмоқдамиз. 2017 йилда фаолиятимизни бошлаганимизда бир хил йўналишда ишлардик. Фақат суюқ бетон ва плита маҳсулотларини ишлаб чиқарардик. Ўша даврда ишчиларимиз сони нари борса, 100 нафарни ташкил этарди. Ҳозирги кунда доимий ишчилар 500 нафардан ошган. Мавсумий ишчиларни ҳисобга олганда 700-800 нафардан ошади. Бу ишчиларимиз сони 2017 йилга нисбатан 10 баробарга ошди, деганидир.

**(Давоми 3-саҳифада)**

*Кўргазмалар*

## "AGROWORLD UZBEKISTAN": НАМОЙИШ, МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

***Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" марказий кўргазмалар мажмуида очилган "Агро саноати – AgroWorld Uzbekistan 2023" 18-халқаро кўргазмасида 20 мамлакатдан 172 компания иштирок этмоқда.***

"Iteca Exhibitions" халқаро кўргазмалар компанияси ва бир қатор расмий ташкилотлар кўмагида ташкил этилган кўргазма қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сўнгги ишланмалардан тортиб истеъмол маҳсулотини олишгача бўлган бутун ишлаб чиқариш занжирини битта майдонга жамлагани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш keрakки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги технологиялар ва инновацияларни, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, ЯИМнинг қарийб 21,4 фоизини ташкил этади.

Кўргазма очилишида "Iteca exhibitions" халқаро кўргазмалар компанияси бош директори Нигора Ҳасанова қайд этганидек, "AgroWorld Uzbekistan" кўргазмаси экспонатларнинг статик намойиши эмас, балки ўзгарувчан бозор талабларини акс эттирувчи мослашувчан платформадир.

– Кўргазмада намойиш этилган қишлоқ хўжалиги саноати тармоқларининг кенг спектри, намуналар ва намойиш этилган ускуналар ва технологияларнинг ишлатиш мақсадининг турли хиллиги бунинг яққол далили.

**(Давоми 2-саҳифада)**

*Янги китоб*

## "ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИ" КИТОБИДА НИМАЛАР АКС ЭТГАН?




***Кейинги йилларда республикамизда ғўзанинг ўртача ҳосилдорлигини 11-12 центнердан 30-32 центнерга ортиши, селекционер-генетик олимларимизнинг изланишлари натижасида пахта толаси чиқими 28-32 фоиздан 37-40 фоизгача, узунлиги 26-28 мм.дан 33-35 мм.гача, бир дона кўсакдаги пахта хомашёси вазнининг 4-5 граммдан 6,5-8 граммгача оширишга эришилганлиги мамлакатимизнинг пахта етиштирувчи давлатлар орасида ўз ўрнига эга бўлишини таъминламоқда.***

Айтиш керакки, пахтачилик кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланиб, бугунги кунда ғўза дунёнинг 84 та мамлакатида, жами 33-34 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 26-27 млн. тонна атрофида пахта толаси етиштирилади. Бу ҳосилнинг 60 фоизидан кўпроғи Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ давлатларига тўғри келади. Юртимизда эса йилига ўртача 1,1-1,2 млн. тонна пахта толаси етиштирилади.

Кейинги йилларда олиб борилаётгап кўпгина тарихий ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Марказий Осиё минтақаси пахтанинг ватани эканлиги аён бўлмоқда. Шу вақтга қадар пахта аввал Хитойдан Яқин Шарққа кўчганлиги, кейинчалик эса у ердан Ўрта Осиё ҳудудига олиб келинганлиги таъкидланар эди. Аммо, янги маълумотлар V асргача пахта Хитойда маълум бўлмаганлигини, кейинчалик эса у ерга пахта Ўрта Осиёдан олиб борилганлигини кўрсатмоқда. Демак, пахтанинг ватани Хитой эмас, бизнинг ҳудудимиз эканлиги тўғрисида ҳам баҳс юритиш вақти келди.

**(Давоми 2-саҳифада)**



## ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК "TOSHKENT METALLURGIYA ZAVODI"ГА ПРЕСС-ТУР УЮШТИРДИ

**Жорий йилнинг 14 март куни ОАВ ходимлари учун Ўзсаноатқурилишбанк томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг амалий натижалари билан таништириш мақсадида пойтахтимиздаги "Toshkent metallurgiya zavodi" қўшма корхонасига пресс-тур ташкил этилди. Унда журналистлар банк кўмагида ишга туширилган янги линия иши билан яқиндан таништирилди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда йилига 4 миллион тонна металл қўлланилмоқда. 2026 йилга бориб эса, бу кўрсаткич 6 миллион тоннага етиши кутилмоқда.**

2

## ФЕРМЕРЛАРНИНГ ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШАДИ

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***



Аммо шунга қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг юқори даромад олишига кенг шароитлар яратиш ҳамда маҳсулот етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш амалиётини қонунчиликда белгилаш зарурияти мавжуд.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг йиғилишида кўриб чиқилди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига партия мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, қатор таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда деҳқон ва фермерларнинг муаммо ва ташвишларини ҳал этиш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса уларнинг эркин фаолият юритишларига замин бўлаётир. Мазкур қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Нидерландия қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради**

# "AGROWORLD UZBEKISTAN": НАМОЙИШ, МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК




**(Боши 1-саҳифада)**

Шу маънода, кўргазма павильонларидан дон, омухта ем, иссиқхоналар, боғдорчилик, паррандачилик, чорвачиликка оид маҳсулотлар, ветеринария, шунингдек, чорва ва парранда сўйиш, гўшт хомашёсини бирламчи қайта ишлаш ускуналари, фермер хўжаликлари ва паррандачилик фабрикалари учун ускуналар, балиқчилик хўжаликлари учун технологиялари ўрин олган. Бу маҳсулотлар Ўзбекистон, Австрия, Беларусь Республикаси, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Дания, Иордания, Эрон, Испания, Италия, Қозоғистон, Хитой, Россия, Сербия каби давлатларнинг компаниялари томонидан тақдим этилмоқда. Эътиборлиси, бу йил иштирокчилар географияси кенгайди. Иордания, Сербия, Нидерландия ва Словения компаниялари илк бор иштирок этаяпти, – деди Н. Ҳасанова.

Шунингдек, кўргазмада Нидерландия миллий экспозицияси тақдим қилинмоқда. Ушбу экспозиция паррандачилик фермалари ва интенсив чорвачилик, инкубатор тухумларини ишлаб чиқариш, картошка омборларининг вентиляция тизимлари, совуқхоналар, мева боғларини лойиҳалаш, ўғитлар ва ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш, иссиқхоналар, сабзавот уруғлари, мева ва сабзавотларни сақлаш, қадоқлаш каби маҳсулотларни тақдим этадиган 23 компаниядан иборатдир.

Нидерландия қироллиги Қишлоқ хўжалиги, табиат ва озиқ-овқат сифати вазирлиги махсус вакили Фредерик Воссенаар "AgroWorld Uzbekistan 2023" халқаро кўргазмасининг расмий очилиш маросимида иштирок этганидан мамнун эканини билдирди.

– Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳаси анча яхши ривожланаётгани ва Нидерландия агробизнесининг мамлакатингизга қизиқиши ошиб бормоқда. Балки Нидерландия Ўзбекистонга нисбатан кичик давлатдир, лекин мен уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида кучли эканлигига ишонаман. Масалан, Нидерландия қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Унинг агроэкспорти 2021 йилдаги 105 миллиард евродан 2022 йилда 121 миллиард еврогача ошди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда ҳам улкан салоҳиятга эга. Бу борада Ўзбекистон ва Нидерландия ишончли шериклар, деб ҳисоблайман, – деди жаноб Фредерик Воссенаар.

Анъанага кўра, кўргазманинг иккинчи куни, яъни 16 мартда Ўзбекистон фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўмагида "Фермерлар куни" ўтказилади. Унда фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда бош мутахассислар учун кўргазма иштирокчилари билан учрашувлар ўтказилади.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**




# "TOSHKENT METALLURGIYA ZAVODI"ГА ПРЕСС-ТУР УЮШТИРДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Бинобарин, металлга кетадиган харажатлар улуши уй-жой қурилиши таннархида 15 фоизни, машинасозликда 40 фоизни ташкил қилмоқда. Ўзсаноатқурилишбанк тизимида металлургия саноатини жадал ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ, ушбу йўналишдаги лойиҳалар муваффақиятли молиялаштириб келинмоқда. "Toshkent metallurgiya zavodi"да амалга оширилган "рух ва полимер қопламали пўлат маҳсулотлар ишлаб чиқариш" лойиҳаси шулар жумласидандир. Қайд этиш жоиз,"Toshkent metallurgiya zavodi" мамлакатимиздаги энг йирик, замонавий саноат корхоналаридан ҳисобланади. 49,7 гектар майдонга эга завод қурилиши лойиҳаси Россиянинг "Метпром" гуруҳи томонидан амалга оширилди. Банк кредити ҳисобига Италиянинг илғор технологик ускуналари билан жиҳозланди. Ҳозирда бу ерда йилига 500 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

– Ишлаб чиқариш жараёни тўрт босқичдан иборат, – дейди корхона бош директори З. Тўйчиев. – Биринчи босқичда ёйилган металл юзаси турли занг ва чиқиндилардан тозаланади, иккинчи босқичда эса прокатнинг қалинлиги меъёрий ҳолатга келтирилади. Шундан сўнг, коррозиядан ҳимоялаш мақсадида маҳсулот юзаси рух билан қопланади. Рухланган металлпрокат кимёвий тозаланади ва кўп қатламли полимер қоплама суртиш ишлари амалга оширилади. Қоплама нафақат коррозия, намлик ва қуёшдан ҳимояловчи қатлам, балки декоратив қатлам ҳам бўлиб, турли хил ранг ва текстуралар билан безатилган.

Пресс-тур давомида лойиҳа муаллифлари заводдаги ишлаб чиқариш жараёнлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган халқаро меъёрларга тўлиқ мос келишини таъкидлади. Маълум қилинишича, корхонада деярли ҳеч қандай чиқинди ҳосил бўлмайди. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган сув махсус фильтрлар ёрдамида тозаланиб, технологик жараёнга қайтарилади. Замонавий линия ҳавога чиқувчи чиқиндиларни ҳам минималлаштирмоқда.

Завод ҳудудида, шунингдек, сифат бошқаруви тизими ҳамда марказий лаборатория ҳам фаолият юритади. 900 дан зиёд иш ўрни яратилган.

"Toshkent metallurgiya zavodi" маҳсулотларини қурилиш саноатида, хусусан, металл кошинлар, ҳаво қувурлари, сендвич панеллар, енгил пўлатдан ясалган юпқа деворли конструкциялар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда.

Заводнинг ишга туширилиши натижасида йилига 350-400 млн. АҚШ доллари миқдорида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

**Банк ахборот хизмати**

# АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ УЧ БОСҚИЧДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

***Мазкур жараённинг биринчи босқичи тайёргарлик босқичи бўлиб, 2-3 йилга яқин вақт давом этади***

Тайёргарлик жараёнидаги энг муҳим масала, аҳолини рўйхатга олишда фаол иштирок этиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шиорлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади. Яна бир муҳим вазифалардан бири бу – шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режаларини ва маъмурий туманлар хариталарини тайёрлаш ҳамда аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш ҳисобланади. Бунда маҳалла, қишлоқ ва овулларнинг чегаралари, кўчаларда ном белгиларининг ўрнатилганлиги, турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони ҳамда уйларнинг рақамланганлиги аниқлаштириб олинади.



Тайёргарлик босқичида аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологияси ишлаб чиқилади. Шунингдек, рўйхатга олувчиларни танлаш ҳам энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки маълумотларнинг тўғрилигига бевосита айнан улар масъул бўлади ва шакллантирилган маълумотлар реал бўлиши шарт.

Иккинчи босқич асосий босқич бўлиб, бу тахминан 10-60 кунгача давом этади. Бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Мамлакатимизда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири анъанавий усулда, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан ҳудудларда, уйма-уй кирган ҳолда, юзма-юз суҳбат асосида, қоғоз шаклидаги рўйхатга олиш варақаларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Учинчи босқич муддати эса қарийб икки йилгача бўлиб, рўйхатга олиш жараёнида тўпланадиган статистик маълумотлар ягона электрон ахборотлар тизимига киритилиб, маълумотлар кодлаштириш ёрдамида таҳлил қилинади ва натижалар эълон қилинади.

**Дилбар АБДУРАҲИМОВА,**
*Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими етакчи мутахассиси.*

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

*Ҳуқуқий саводхонлик*

# ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

***Кундалик ҳаётимизда баъзан ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ саволларга дуч келамиз.***

Хўш, ворислик ҳуқуқи нима? Ворислик ҳуқуқи вафот этган шахснинг мероси бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ворисларига ўтиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуаси, фуқаролик ҳуқуқининг бир қисмидир. Фуқаронинг вафотидан кейин ворисларга ўтадиган мол-мулки мерос мулк ҳисобланади. Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Мерос таркибига мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар киради. Аммо мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хусусан, юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи, мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди. Ворислик тўғрисидаги бу ва бошқа умумий қоидалар, жумладан, умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш, мероснинг очилиш пайти ва жойи, меросхўр бўлиши мумкин бўлган фуқаролар, нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш ҳақидаги қоидалар тегишли ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, эри ёки хотини, ота-онаси, вафотидан кейин туғилган болалари тенг улушларда биринчи навбатдаги ворислик ҳуҳуқига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси ФК 1136-1141-моддаларида яна 2,3,4,5-навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар, авлодлар ва бошқа санаб ўтилган, қонун бўйича меросхўрлар мана шу моддаларда назарда тутилган навбат тартибида ворисликка чиқарилади. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи, мерос олишда эр (хотин)нинг ҳуқуқи, қонун бўйича мерос олинганда меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш ҳақидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган.

**Дилрабо ХОЛИЁРОВА,**
*Бойсун тумани адлия бўлими ФҲДЁ бўлими 1-тоифали инспектори.*

# МАКТАБДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

***Сергели тумани ФВБ ҳамда ХТБ ходимлари ҳамкорлигида ҳудуддаги 352-мактабда "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси" ойлиги доирасида ўқув семинари ташкил қилинди.***

Ўқув машқи давомида табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда қандай ҳаркатланиш кераклиги амалда кўрсатилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўқув машғулотида туман ФВБдан 8 нафар ходим ва 352-мактабнинг 210 нафар ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди.

**Д.РАЖАБОВ,**
*Сергели тумани ФВБ ФВДтва ФМ, ФТЭ ХТ бўлинмаси бошлиғи, катта лейтенант.*



# "ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИ" КИТОБИДА НИМАЛАР АКС ЭТГАН?

**(Боши 1-саҳифада)**

Марказий Осиёда пахтачилик билан қадим замонлардан шуғулланилганлиги тарихий маълумотларда қайд қилиб ўтилган. Хитойнинг тарихий манбаларидан маълум бўлишича, эрамиздан олдинги II асрда Фарғона водийсида жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар бўлган, ерли аҳоли деҳқончилик ва тўқимачилик билан шуғулланган. Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг профессори Ю.А.Задпеновский раҳбарлигида Чустда олиб борилган қазилмалар чоғида мато қийқимлари топилган. Бу мато эрамиздан олдинги X асрда тўқилган. Хоразмдаги Тупроққалъа академик С.И.Толстов раҳбарлигидаги бир гуруҳ археологлар томонидан текширилганда топилмалар орасида VI-VII асрларга оид пахта ашёси ва пахталик чопон парчаси топилган. X асрда яшаган араб географларининг қўлёзма маълумотларига қараганда, Марказий Осиё халқлари пахтадан тўқилган турли газлама ва хотин-қизлар ўрайдиган нафис рўмоллар Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Чимкент шаҳарларидан қўшни давлатларга чиқарилган. XVI-XVII асрларда Марказий Осиё хонликлари Москва давлати билан савдо-сотиқ муносабатларини тиклаганларидан кейин, у ерга бошқа савдо-сотиқ моллари қатори ип-газлама, пахта толаси ҳам чиқариб турилган. Умуман олганда, ғўза ўсимлиги Марказий Осиёга жуда қадим замонларда, милоддан аввалги IV асрда кириб келган.

Пахтачилик тарихига яна бир бор аниқлик киритиш мақсадида Республикамизда пахтачилик соҳасининг ривожланишига ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келаёгган етук олимларимиздан бири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Баҳодир Холиқов томонидан юртимиз пахтачилигининг узоқ ўтмиш тарихи, пахтачилик илмида дастлабки ташланган қадамлар, илк тадқиқотлар ҳамда пахтачиликнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий тармоқлар қаторидан ўрин олиши билан боғлиқ тарихий далиллар асосида таҳлил килинган "Ўзбекистон пахтачилиги тарихи" номли китоби нашр этилди. Муаллиф ушбу китобни ёзиш жараёнида асосли манбалар топиш ва таҳлил қилишда кўпгина архив материаллари ҳамда кутубхоналар хизматидан фойдаланган.

Китобхонлар ушбу китобни мутолаа қилишлари орқали XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, XX асрнинг 30-йилларига қадар Туркистон ўлкасида ва бошқа ҳудудларда пахтачилик соҳасининг ривожланиши ва илм-фан сифатида ташланган дастлабки қадамлар, пахтачилик илмида янги даврнинг бошланиши ва амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлишлари ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлатилган техникалар билан танишишлари мумкин бўлади.

Мазкур китоб пахтачилигимиз тарихини тўлиқ ёритиб беришга мўлжалланган уч китобнинг биринчиси бўлиб, унда пахтачилик соҳаси ва илми бўйича 1860-1930 йилллар оралиғида бўлиб ўтган воқелик ва амалий ишлар ўз аксини топган. Ўзбекистон пахтачилиги соҳаси ва илмидаги дастлабки қадамлар XIX асрнинг ўрталаридан бошланганлиги, бунга қадар Марказий Осиёда узоқ асрлардан буён маҳаллий "қора ғўза", "малла ғўза" ва "қизил пўчоқ" номларида юритилган ғўзадан фойдаланиб келинганлиги, мазкур навларнинг тола узунлиги 17-19 мм., пахтасининг ранги қизғишроқ бўлиб, чигити майда, чаноқлари бошқа ғўза навларига нисбатан кўп бўлганлиги, ушбу навларда очилган пахталар чаноқлари билан териб олинганлиги ва кейин қўл кучи ёрдамида пахта чаноқдан ажратиб олинганлиги баён этилган. Шунингдек, ўша даврларда маҳаллий ғўза навлари орасида Хива хонлигида етиштирилган пахта ўзининг сифати ва майинлиги жиҳатидан устунлик қилиб, Америка ғўза навларидан қолишмаганлиги, аммо ҳосилдорлиги жуда паст бўлганлиги таъкидланган. Тошкент, Фарғона водийси ва Бухорода етиштирилган ғўза навлари бир-биридан унчалик фарқ қилмаганлиги, бироқ Бухоро пахтаси бирмунча сифатли ва толаси узунроқ бўлганлиги келтириб ўтилган. Шунингдек, Туркистон ўлкасида пахтачилик бўйича дастлабки илмий тадқиқот ишлари чет эл (Америка) ғўза навларини иқлимлаштиришдан бошланиб, ғўза селекциясидаги дастлабки навлар Туркистон тажриба станциясида Г.С.Зайцев томонидан ғўзанинг "Кинг" навидан танлаб олинган "1306-Шредер" нави, Андижон тажриба станциясида ЕЛ.Навроцкий томонидан "Руссель" навидан танлаб олинган "Навроцкий" нави, Мирзачўл тажриба станциясида эса "169-Деҳқон", маҳаллий нав "Кўк чигит"дан танлаб олингани, "182-Оқ Жўра" навларини яратиш орқали Туркистон ўлкасининг пахтачилик илмида янги даврнинг бошланганлигининг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Қолаверса, китобда Ўрта Осиёда пахтачилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 1929 йил 18 июлда "Пахтачилик бўйича тажриба ташкилотлари ва илмий ишларни кучайтириш ва ривожлантириш тўғрисида" қарор қабул қилиниб, шу асосда Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганлиги, институт таркибига Марказий селекция станцияси (Собиқ Туркистон селекция станцияси), Марказий ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси, Ўғитлар ва агро-тупроқшунослик марказий станцияси, Механизация ва ғўза агротехникаси марказий станцияси, Марказий мелеоратив тажриба станцияси, Оққовоқ марказий суғориш ва агротехника станцияси, бундан ташқари, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Озарбайжон Республикаларидаги пахтачилик тажриба станцияларини бирлаштириш орқали пахтачилик илмини ривожлантириш давом эттирилганлиги таъкидланган.

Китобхон ушбу китобни ўқир экан, Туркистон ўлкасида пахтачилик соҳасининг ривожланиши ва илм-фан сифатида ташланган дастлабки қадамлар, пахтачилик илмида янги даврнинг бошланиши ва амалга оширилган ишлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эта бўлади. Ҳозирги кунда муаллиф томонидан тайёрланаётган иккинчи китобда 1930-1991 йилларда, учинчи китобда эса Мустақиллик йилларида пахтачилик илми бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида сўз юритилади.

**С.РАҲМОНҚУЛОВ,**
*биология фанлари доктори, профессор, академик.*

Орзулари бир олам ёш тадбиркор қизнинг меҳнатлари қадр топмоқда

# "БЕТОН-САНОАТ" КОРХОНАСИ МАЛИКАСИ



Физика фанига ихтисослаштирилган ушбу инновацион мактабдаги ўқув хоналари, хорижий тиллар, ахборот технологиялари хонаси, кимё, биология ва физика лабораториялари хоналари, 1 та очиқ спорт майдони ҳамда замонавий кутубхона талаб даражасидаги таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишга хизмат қилмоқда.

"Янги Ўзбекистон" маҳалласидаги 100 ўринга мўлжалланган икки қаватли "Янги авлод" мактабгача таълим ташкилоти жажжи ўғил-қизлар муносиб туҳфа бўлган эди. "Сардоба" сув омборида юз берган табиий офат ва тошқин оқибатларини бартараф этишда кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида 24 та хонадонга мўлжаллаб қурилган 4 қавтли уй ҳам жабрланганларни беҳад мамнун этган эди.

Гулистон шаҳридаги тўрт қаватли "Саховат" савдо маркази бугунги кунда вилоят марказидаги энг замонавий иншоотлардан бири. 2021 йил фойдаланишга топширилган энг йирик савдо мажмуасида айни пайтда кўплаб тадбиркорлик субъектлари йўлга қўйилиб, бир қанча иш ўринлари яратилган. Шуниси қувончлики, ишчиларнинг асосий қисми "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар"га рўйхати киритилган хотин-қизлардан иборат. Ўзининг ҳаракатчанлиги ва устози, падари бузруквори, "Дўстлик" ордени соҳиби, тажрибали қурувчи Илҳомжон Каримовнинг панд-ўгитларига амал қилгани боис Ҳилола 2022 йилда Президентимиз томонидан таъсис этилган "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони ҳамда "Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирланган. Ўз элининг серғайрат қизи Ҳилола 2022 йил 7 сентябрь куни Халқаро пресс-клубнинг "Президентнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти: янги ташаббуслар, қулайликлар енгилликлар" мавзуидаги очиқ мулоқотнинг якунларига бағишланган навбатдаги сессиясида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эди. Фарзандининг қўлга киритаётган ютуқларидан мамнун бўлаётган Илҳомжон Каримов ҳали ҳамон ўзнинг қимматли маслаҳатларини аямайди. Янги-янги режалар билан иш олиб бораётган тиришқоқ, малакали мутахассис, талабчан раҳбар, саховатпеша тадбиркор Ҳ. Обидова отасининг чинакам шогирди.

– Отам Сирдарё вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган илк заводни очган ишбилармон киши ҳисобланади, – дейди Ҳилола. – Ёшлик чоғларимданоқ катта қизиқиш билан у кишининг ёнида юриб, амалга ошираётган ишларини кузатиб келардим. Фидойилик, ҳаракатчанлик менга қондан ўтган десам, муболаға бўлмайди. Келгусида қурилиш соҳасида ҳам аёллар ажойиб натижаларга эришиши мумкинлигини исботлаш, замонавий иншоотлар барпо этиш менинг эзгу мақсадимдир. Ҳозирги кунда менга ҳавас қилиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган издошларим 30 нафарга етиб қолди. Улар ҳам астойдил изланиб, интилиб, яхшигина ютуқларга эришмоқда.

Ҳа, орзулари бир олам ёш тадбиркор қизнинг меҳнатлари қадр топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 мартдаги "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги" Қарорига мувофиқ Обидова Ҳилола Илҳомжон қизи Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Эндиги кунда савдо, маиший хизмат кўрсатиш ишлари билан ҳам шуғулланамиз. Ҳозиргача Гулистон шаҳрида кўплаб кўп қаватли уйларни қуриб, фойдаланишга топширмоқдамиз. Кам таъминланган аҳолимизга арзон ва сифатли уйлар манзур бўлмоқда. Улар субсидия асосида ипотека кредитларини ҳам имтиёзли тарзда тўлашади. Президентимизнинг ўтган йилнинг охирида Олий Мажлисга ва мамлакатимиз халқига йўллаган Мурожаатномасида "Тадбиркор бой бўлса, халқ бой бўлади", деганлари мени ғурурлантирди. Тадбиркорларга енгиллик яратилаётгани, жумладан, қўшимча қиймат солиғининг 12 фоизга туширилиши алоҳида ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашнинг намунаси сифатида бизни руҳлантиради. Натижада орттирилиб, ўзимизга қолдирилган маблағни ўрни келса, янги йўналишлар учун сарфлаймиз.

Корхона маблағлари ҳисобидан Янгиер шаҳрида алюмин профилларидан эшик ва ромлар ишлаб чиқариш учун 10 миллиард сўм ажратилган. Гулистон шаҳрида 181 хонадонга мўлжалланган 2 та кўп қаватли замонавий уйлар қурилиб, эгаларига топширилди.

Ҳилола аслида табиатан тинибтинчимас, изланувчан, ташаббускор эканлиги боис чиройли иншоотлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номли она тили ва адабиёт фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат биноси мазкур корхона томонидан барпо қилинган. Замонавий архитектура миллийлик уйғунлашган ҳолда яратилган таълим-тарбия маскани у ерга ташриф буюрган кишиларнинг кўзларини қувонтиради. Мирзаобод туманидаги тўрт қаватли, 330 ўринга мўлжалланган Аҳмад ал-Фарғоний номидаги таянч мактаби ҳам аҳил меҳнат жамоаси томонидан бунёд этилгани қувончлидир.

**Шуҳрат СУЯРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Лоқайдлик оқибати аянчли

***Юз бераётган ёнғин ҳолатлари таҳлили шуни кўрсатадики, ёнғинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз, қўлбола газ ва электр иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, шунингдек, болалар катталар назоратидан четда қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқади.***

Хўш, буни ким билмайди, дейсиз? Ҳаммамиз биламиз. Биламизу, бунинг чорасини кўрмаймиз. Буни бепарволик, лоқайдликнинг бир кўриниши десак адашмаган бўламиз.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказаётган учрашувлар, кенг миқёсда олиб борилаётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бермоқда. Бу эса тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифасини қўяди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларга ёнғинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки жамиятимиздаги ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини англата билиш мақсад сари қўйилган илк қадам десак бўлади.

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлаётганини ҳисобга олсак, ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда тушунтириш талаб қилинади. Бола онгида ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш, унинг иштирокида содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳолатлар камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу борада хизмат ходимлари томонидан мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғиннинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли лавҳалар, кўргазмали қуроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан тушунтирилаётган ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

**Ж.УМАРОВ,**
*Чилонзор тумани ФВБ ПваНБ инспектори,*
**лейтенант,**
**У.ҲАБИБЖОНОВ,**
*Бекобод тумани ФВБ меъёрий техник бўлинмаси бошлиғи, лейтенант.*

*Қутлов*




*Эълон*

# Диққат танлов!

**Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади.**
**Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да якунланади.**
**Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekbaliqsanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин.**

## "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси томонидан танловга қўйиладиган табиий сув ҳавзалари рўйхати

| № | Туман номи | Табиий сув ҳавза номи | Майдон (гектар) |
|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси (танлов санаси 18.04.2023 й)** | | | |
| **Манзил:** | | *Нукус ш., Қизкеткен кўчаси 14-б* | |
| 1 | Амударё тумани | "Шарсапа" кўли | 8,2 |
| 2 | Беруний тумани | "Зариб қара" кўли | 5,3 |
| 3 | Беруний тумани | 17-контур | 1 |
| 4 | Бўзатов (Кегейли) тумани | "Довуткўл Қорабек" кўли | 2864,9 |
| 5 | Қораўзак тумани | "Сарикўл" кўли | 13,6 |
| 6 | Қўнғирот тумани | Марал-Машын кеткен-Балтакеткен, Сашка кули | 299 |
| 7 | Мўйноқ тумани | "Жауынғыр" кўли | 29,4 |
| 8 | Мўйноқ тумани | "Карамуш" кўли | 220,1 |
| 9 | Мўйноқ тумани | "Қизил кема" кўли | 1,78 |
| 10 | Мўйноқ тумани | "Закир" кўли | 330 |
| 11 | Мўйноқ тумани | Хожакол кўли | 126,3 |
| 12 | Мўйноқ тумани | Арқа Мақпал кўли | 35,4 |
| 13 | Мўйноқ тумани | Узынқайыр кўли | 5 |
| 14 | Мўйноқ тумани | "Арка Аббаз-Карамуш" кўли | 50,6 |
| 15 | Нукус тумани | "Кудияр" кўли | 8,4 |
| 16 | Нукус тумани | "Гунжили" кўли | 9,4 |
| 17 | Тахтакўпир тумани | Шор коли | 39,1 |
| 18 | Тахтакўпир тумани | "Костобе" кўли | 91,4 |
| 19 | Тахтакўпир тумани | "Қарамоллабас кўли" | 102 |
| 20 | Тахтакўпир тумани | "Қаратерен" | 2159,4 |
| 21 | Тўрткўл тумани | Қизилқум | 4,5 |
| 22 | Тўрткўл тумани | Куксу Лоток яб Контур кўли | 10 |
| 23 | Тўрткўл тумани | Айдынкўл кўли | 10,1 |
| 24 | Тўрткўл тумани | Шоркўл кўли | 16,9 |
| 25 | Тўрткўл тумани | Араб кўли | 6,6 |
| 26 | Тўрткўл тумани | Эрёзқалъа | 6,8 |
| 27 | Шуманай тумани | 2133-сонли контур кўли | 2,5 |
| 28 | Шуманай тумани | 2878-а-санлы контур | 1,4 |
| 29 | Шуманай тумани | "306-контур" кўли | 8,1 |
| 30 | Элликқалъа тумани | 441 контур кўли | 2,1 |
| 31 | Элликқалъа тумани | 301 контур кўли | 2,8 |
| 32 | Элликқалъа тумани | Жинган кўли | 3,9 |
| 33 | Элликқалъа тумани | "Чаланг" кўли | 1,6 |
| 34 | Элликқалъа тумани | Уйсаланг-2 | 50,4 |
| 35 | Элликқалъа тумани | Бақберген кули | 68 |
| 36 | Элликқалъа тумани | Думанқала кўли | 27,5 |
| **36** | **Жами** | | **6623** |
| **Бухоро вилояти (танлов санаси 02.05.2023 й)** | | | |
| **Манзил:** | | *Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 297/1-уй* | |
| 1 | Бухоро тумани | "Қумсултон" кўли | 2987 |
| 2 | Олот тумани | "Денгизкўл 3-контур" | 1000 |
| **2** | **Жами** | | **3987** |
| **Қашқадарё вилояти (танлов санаси 27.04.2023 й)** | | | |
| **Манзил:** | | *Қарши ш, Ўзбекистон кўчаси 81а-уй* | |
| 1 | Қамаши тумани | "Чимқўрғон" сув омбори | 4455 |
| 2 | Китоб тумани | "Шўробсой" сув омбори | 5 |
| **2** | **Жами** | | **4460** |
| **Тошкент вилояти (танлов санаси 19.04.2023 й)** | | | |
| **Манзил:** | | *Нуравшон ш. Тошкент йули кучаси 24 - уй. 4 - қават* | |
| 1 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 2,4 |
| 2 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 3,7 |
| 3 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 1,15 |
| 4 | Бекобод тумани | Табиий кўл | 35,4 |
| **4** | **Жами** | | **43** |
| **Хоразм вилояти (танлов санаси 25.04.2023 й)** | | | |
| **Манзил:** | | *Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси 22А-уй* | |
| 1 | Хазорасп тумани | "Шўркўл - 2" | 6,8 |
| 2 | Хазорасп тумани | "Протоқ" кўли | 33,2 |
| 3 | Қўшкўпир тумани | "Чегара" кўли | 40,7 |
| 4 | Тупроққалъа тумани | "Чегара" кўли | 18,1 |
| 5 | Шовот тумани | "Бўстон" кўли | 94,8 |
| **5** | **Жами** | | **193,6** |

MAXAM-CHIRCHIQ

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВАКОЛАТЛИ ОМБОРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тадбиркорларга минерал ўғитларни етказиб берилишида енгилликлар яратиш мақсадида "Maxam-Chirchiq" акциядорлик жамияти томонидан минерал ўғитларни вақтинчалик сақлаш учун ваколатли омборлар очишга танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этишни истаган талабгорлар таклифларни муҳрланган ёпиқ конвертда 2023 йилнинг 31 март соат 18:00 гача тақдим этиши мумкин.

Ваколатли омбор танловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар ва қўйиладиган талаблар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар қуйидаги веб-сайтда кўрсатилган: (www.Maxam-Chirchiq.Uz)

**Маълумот олиш учун манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2 уй. Телефон: +998(70)719-33-23. E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz**

**Қутлуғ айём – Наврўзи олам муборак бўлсин!**







**(Боши ўтган сонда)**

Телефоннинг ёқимли мусиқасидан Жасур чўчиб тушди. "Бахтиёр! Унга нима дейман?"

У қўрқа-писа телефонни қўлига олди. Қўнғироқ Кореядан эди чиндан ҳам.

– Алло…

– Алло, Жасур! Қалайсан, оғайни?

– Ях… Яхши, Бахтиёр…

– Ҳа, бу мен. Пулни ололдингми?

– А…

– Пулни ололдингми, дейман?

– Ҳа… Ҳа, олдим…

– Ошна, илтимос, эртага уйга ташлаб қўйгин. Эртага ойим ва дадамларга жудаям зарур экан.

– Хўп… Хўп.

Беш дақиқалик суҳбат Жасур учун асрлардай чўзилди. Боши кундага қўйилаётган одамдай дағ-дағ титрарди.

У яна азоблар исканжасида қолди.

Жасур шу тун киприк қоқмади. Кўзини юмди дегунча кўз ўнгида Бахтиёр, унинг ота-онаси ва… бир боғлам доллар намоён бўлаверди. Ниҳоят, тонгга яқин бир қарорга келди.

Ишга ҳаммадан эрта келди. Келибоқ, телефон гўшагига ёпишди.

- Алло, Саид. Яхшимисан? Дўстим, бир илтимос билан безовта қилаяпман. Йўқ дема, ўтинаман. Менга… икки минг керак. А? Йў… кўкидан… Шунақами… Майли, нимаям дердим…

Жасур шу пайтгача бировдан бунчалар кўп пул қарз сўрамаганди. Лекин нима қилсин, ҳозир шунга мажбур. Икки дақиқа ўтиб, у яна рақамлар теришга тушиб кетди. Институтда бирга ўқиган дўсти Олмос телефонини кўтармади. Болаликдаги оғайниси Дилшод эса… яқинда тўй қилишини баҳона қилиб, қарз бергиси келмади. Поччаси бўлса, тўққиз юз минг сўм бериб тура олишини айтди. Холасининг ўғли Расул бир миллион тўрт юз минг сўм берадиган бўлди. Бор-йўғи икки миллион уч юз минг сўм пул топа олди, холос. Бу ҳам бўлса сўмда, уни долларга айлантирганда… Бу топгани салкам йигирма миллион сўмнинг олдида денгиздан томчи…

… Девордаги соат бир маромда чиққиллайди. Ҳозир ҳамма нарса Жасур билан баҳс бойлашар эди. Ҳатто миттигина соат миллари ҳам. Шитоб билан олға интилади…

Жасур оқшомга қадар бирга ишлайдиган шерикларига ялиниб-ёлвориб, яна икки миллион сўм топди. Атрофга қоронғулик туша бошлаганида, ярим халта пулни қўлтиқлаб, Бахтиёрларнинг маҳалласи томон йўл олди.

Нақшинкор дарвоза олдида анча туриб қолди. "Нима дейишаркин? Пул билан бошимга солишса-я? Ўғриликда, товламачиликда айблаб, бутун маҳаллага шарманда қилишса-чи?" – дея иккиланди. Ўзи билан ўзи олишиб чарчаб кетди. Кўзини чирт юмди-да, дарвозани чертди.

– Ҳо-зи-ир!

Овоз Жасурнинг қалбига тиғ санчиб ўтди.

– Келинг.

– Ас… Ассалому-алайкум…

– Ваалайкум-ассалом. Келинг, болам?

– Мен… Бахтиёрнинг дўстиман. Пул…

– Ҳа, шундоқ демайсизми, болам? Яхши юрибсизми? Ота-онангиз, болаларингиз омон-эсонми? Қани, ичкари киринг. Нега остонада турибсиз?

Бахтиёрнинг онаси кексайган бўлса-да, чаққонгина аёл экан. Меҳмонни ичкари уйга бошлаб кириб, хонтахта атрофига кўрпача тўшади.

– Ўтира туринг, амакингиз намоз ўқиётувдилар. Ҳозир чиқадилар.

– Майли, майли… Бемалол… – Жасурнинг овози зўрға чиқди. Аянинг ортидан маҳзун қараб қолди. Бироздан кейин юз бериши мумкин бўлган воқеаларни тахмин қилди. Ая юз-кўзини юлади, ота эса аввал уни обдон тергайди, кейин шунча пулни бўйнига қўйиб, тилхат ёздириб олади…

"Майли, ҳаммасига розиман. Фақат бу гапларни биров, айниқса, ота-онаси эшитмаса бўлгани. Тилхат дейишса, ўнта бўлсаям ёзиб бераман. Қанча дейишса, ҳаммасини тўлайди. Фақат бўлиб-бўлиб тўлашига рози бўлсалар бўлгани…"

– Келинг, ўғлим, келинг!

Жасур сесканиб кетди. Бахтиёрнинг дадасига оёқлари қалтираб пешвоз чиқди. Қўлидаги пакет "тўп" этиб кўрпача устига тушди. Шунинг товуши ҳам йигитнинг қалбига баттар қўрқув солди.




– Қани, илоҳо омин! Хонадонларимиз тинч, дастурхонимиз файзу барокатли бўлсин. Нимаики, яхши ниятларимиз бўлса, Аллоҳ барчасини ижобат қилсин, омин!

"Бироздан кейин бу тилаклар қарғишга айланиб, бошимдан ёғилса керак"… Жасур шу уйда юзига фотиҳа тортди.

– Энди, оғайнинг ҳам яхши ниятни дилига туккан экан, етказганига шукур деб, дуо қилиб турибмиз-да, болам, - деди Абдурауф ота севинчини яширолмай.

Жасур эса бошини билинар-билинмас ликиллатганча отахоннинг гапини маъқуллади.

– Овора бўлибсиз-да, ўғлим. Хабар берсангиз, набираларим уйингизга ўтиб, олиб келарди, – деди ниҳоят ота меҳмоннинг муддаога ўтмаётганидан тоқатсизланиб.

– Ота… Мен…

– Нима гап, ўғлим?

– Мени кечиринг… Мен… Мен Бахтиёр жўнатган пулларни… ўғирлатиб қўйдим…

Ая билан ота бараварига тилга кирдилар:

– Нима?!

– Вой, ўлай!

– Ота! Аяжон! Олдиларингга бош эгиб келдим. Менга озгина фурсат беринглар. Тўлайман! Ҳаммасини тўлайман. Устига қўшиб тўлашга ҳам розиман. Фақат… Фақат бу гап орамизда қолсин. Мен… Мен ўн минг доллар қарздорман, деб тилхат ёзиб бераман. Олти ойга қолмай ҳаммасини узаман. Бир умр қарз тўласам ҳам сизларни рози қиламан. Жуда тополмасам, уйимни сотаман. Фақат… Фақат эл ичида шарманда бўлмасам бўлгани… – Жасур елкалари силкиниб йиғлаб юборди. Бир кеча-кундузлик изтироб ниҳоят, унинг ичига сиғмай тошиб кетганди.

Абдурауф ота чуқур ўйга толиб қолди. Ая эса рўмолининг учини тишлаганча, умр йўлдошининг нима дейишини сукут сақлаб кутарди. Бу дақиқалар Жасур учун жудаям оғир лаҳзалар эди.

Жимликни ўзи бузишга жазм этди:

– Мана бу… тўрт миллион уч юз минг… сўм... Бир ҳафтада яна қўлимдан келганича топиб келаман. Жамғарганим ҳам йўқ эди, буни танишлардан қарз кўтардим…

Яна жимлик. Абдурауф ота бошини сарак-сарак қилди. Унинг бу ҳаракатини Жасур лаҳза ичида турли маъноларда тушунди. "Розимасман", деганимикан бу? "Эртагаёқ топасан!" деса нима қиламан? Эй, Худо!..

– Мени баттар азобга ташламанглар. Шукур, қўл-оёғим бутун. Ишлайман, кечаю-кундуз бўлса ҳам ишлаб, Бахтиёрнинг омонатини сизларга қайтараман. Фақат бу йил Ҳажга боролмаганингиз учун мени қарғаманглар, ўтинаман!

– Ўғлим, – ота оғир тин олди. Жасур ҳукмни кутган айбдор каби унинг оғзига тикилди. Бошини кўтаролмади, эгиб олди яна.

– Бўлар иш бўлибди… Энди бунчалар қайғуришдан фойда йўқ. Ўша маблағ бизга насиб этмаган экан, бу Аллоҳнинг хоҳиши. Биз… Биз пулдан воз кечдик!

Жасур ялт этиб отанинг кўзларига нигоҳ ташлади.

– Ота…

Абдурауф ота унинг елкасига қўлини қўйганча сўзида давом этди:

– Мана бу пулларни эгаларига қайтаринг. Ҳаж масаласига келсак, бу йил бўлмаса, кейинги йил борармиз. Нима дединг, онаси?

– Тўғри. Ўғлим, сиз Бахтиёрга "пулни олиб бориб бердим", деб айтинг. Биз "олдик" деймиз. Бу гап шу ерда қолади, хотирингиз жам бўлсин. Борди-ю кейин "нега ҳажга бормадинглар", деб сўраб қолса, ўзимиз бирор баҳона топамиз, – деди Жамила ая.

Жасурнинг шуури бирдан тиниқлашди. Елкасидаги тоғ ағдарилгандай енгил тортди. Лекин юрагидаги қарздорлик, айбдорлик ҳисси ҳануз уни тарк этмаганди.

– Ота, она! Пулларни…

– Қани, илоҳо омин! – унинг гапини кесди ота. – Омон бўлинг, болам. Бундан кейин эҳтиёт бўлинг. Аллоҳ паноҳида асрасин!

Жасур пул тўла халтани қўлтиқлаб, боягина қўрқинч ила босиб ўтган йўлдан қушдай енгил тортиб кетиб бораркан, бу саховатли қарияларни чин дилдан дуо қиларди.

Эртаси куни у пулларни эгаларига қайтарди. Ҳамкасблари унинг бу ишидан ҳайрон бўлишиб, ҳатто бироз аския ҳам қилиб олишди. Жасур мийиғида куларкан, бир кунда ич-ичига тортиб кетган кўзларидаги ифодани яширишга уринарди.

Ғалати ҳислар оғушида юрган Жасур кунларнинг қандай ўтганини ҳам сезмасди. Орадан чамаси бир ҳафта ўтди. Жасурни бошқа бўлимга ишга ўтказишди. Бошқа хонага кўчиб ўтишига тўғри келди. Компьютернинг каттагина қутисига тортмасидаги жами қоғозларини солаётганди… бир нарса "тўп" этиб полга тушди. Жасур уни кўриб, донг қотиб қолди. Полда ўша – бир тахлам доллар ётарди!

Жасур оний бир лаҳзада ҳушини йиғиб олди. Полдаги нарсани олди-да, қўлига илинган қоғозга уни чаққонлик билан ўради ва чарм курткасини йўл-йўлакай кийганча хонадан ўқдай отилиб чиқди. Ўн дақиқа ўтиб, у Абдурауф отанинг қаршисида пайдо бўлди…

**Шаҳло ТОШБЕКОВА**

Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*,
Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Буюртма Г-340. 2618 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
**e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru** Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00